LLC «BMM-AUDIT»
Audit,Accounting,Tax.Consultancy
Uzbekistan

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«BMM-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Ўзбекистон Руспубликаси Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Индекс 150100, Жўйдам МФЙ, Янгиобод кўчаси, 5-уй.
АИКБ «Ипак Йўли» Фарғона шаҳар филиали х/р № 20 208 000 904 113 361 001 МФО: 01168 СТИР: 203585547
мобил.: (99) 692-48-82 (91) 651-80-13 web.sayt: bmmaudit.uz E-mail: bmmaudit@yahoo.com

**04.05.2026й**
**№ 01**

# ХУЛОСА

## “Sharg'unko'mir” АЖнинг 2025 йил 31 декабр ҳолатига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида

## *АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ*

| | |
|---|---|
| Аудиторлик ташкилоти номи: | МЧЖ «BMM-AUDIT» AT |
| Юридик манзили: | Фарғона ш. Янгиобод-5 -уй |
| Телефон / факс: | Офис тел : 99 692 48 82 99 851 80 13<br>e.mail: bmmaudit@yahoo.com |
| Давлат рўйхатидан ўтганлиги: | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги аудиторлик ташкилотлари реестрида 20.11.2025 йил |
| Аудиторлик ташкилотининг суғурта Полиси | № 0242177-сон суғурта полиси "ImkonSugurta" AJ шаклидаги суғурта компаниясидан берилган. 2025 йилнинг 25 ноябрдаги 13-057/0002659-сонли шартнома бўйича рўйхатга олинган.(Сўғурта 40.0 млрд сўм) |
| Ҳисоб рақам: | 20208000904113361001 |
| Банк: | АИКБ «Ипак Йули»ба́нк Фарғона, МФО 01168 |
| ИНН: | 203 585 547 |
| ҚҚС тўловчиси коди | 330050 297 094 |
| Аудиторлик ташкилот рахбари фамилияси, исми ва малака сертификати рақами | Ботиров Музаффар Махаммадович Аудитор малака сертификати №05599. 20.03.2019 й Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар имтихон маркази томонидан (2034 йилгача узайтирилган) |

“Sharg'unko'mir” AJ (кейинги ўринларда — **Жамият**) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса МЧЖ «BMM-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланди.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан (31.12.2015 йилдаги 9-сон баённомага ва 30.11.2016 йилдаги 12-сон баённомагаасосан) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ «BMM-

МЧЖ "BMM-AUDIT" AT. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

AUDIT» МЧЖ акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш буйича хизматларни кўрсатиш хуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

## ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

**“SHARG'UNKO'MIR” AJ**
Юридик манзили: Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумнаи., А.Икромов кўчаси,

АТ “Халк банк” Наманган вилояти х/р 20210000000311045001 МФО: 00354
Жамиятда корпоратив бошқарув тизими холати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири хисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «BMM-AUDIT» аудиторлик ташкилоти фақат Жамият томонидан тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида,Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳслашилмади.

Баҳолаш амалга оширилгандан кейин МЧЖ«BMM-AUDIT» га келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаганёхуд яширилган хужжатлар аниқланган тақдирда, «BMM-AUDIT» МЧЖ нинг назорат ва масъулият доирасига киритилмайди.

МЧЖ«BMM-AUDIT» АТ жамият томонидан тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими холати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб хисоблайди.

Жамиятнинг 2025 йил молиявий фаолияти учун Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг якуний натижаси **691 баллни** ташкил этди ва МЧЖ «BMM-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг якуний ҳулосасига мавофиқ **“Sharg'unko'mir”** АЖда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолаш натижаларига кўра **ЮҚОРИ** деб эътироф этилади.

**МЧЖ “BMM-AUDIT” аудиторлик**
**ташкилоти директори** **Ботиров М.М.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
“BMM-AUDIT”
AUDITORLIK TASHKILOTI